

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Хамраева Хулкар Хамидуллаевна

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ ТЕРМИНЛАРИ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**филология фанлари доктори (DSc)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021 йил

УЎК: 811.512.133`373.4(043.3)

Филология фанлари доктори (DSc)диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по филологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor (DSc) in Philology

Хамраева Хулкар Хамидуллаевна

Ўзбек миллий рақс санъати терминлари тадқиқи

Khamrayeva Khulkar Khamidullayevna

Study of the terms of the Uzbek national dance art.....

Хамраева Хулкар Хамидуллаевна

Исследование терминов узбекского национального танцевального искусства

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Хамраева Хулкар Хамидуллаевна

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ ТЕРМИНЛАРИ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

филология фанлари доктори (DSc)

диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Fil236 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-сайти (www.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

+

Илмий маслаҳатчи:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саидов Ёқуб Сиддиқович
филология фанлари доктори, профессор

Худайбергана Дурдона Сиддиқовна
филология фанлари доктори, профессор

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация билан ... давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: *М. Усманов йўли*
1094

Диссертация автореферати 2021 йил «*11*» *сентябрь* кuni тарқатилди.
(2021 йил «» _____ даги _____ рақамли реєстр баённомаси)



[Signature]
Д.С. Ураева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

[Signature]
Ш.Е. Давраимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

[Signature]
Ғ.Н. Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида олам лисоний тасвирининг катта бир қисмини ташкил этувчи, муайян соҳаларга оид тушунчаларни ифодалаб, ушбу соҳа мутахассисларининг мулоқоти учун асос бўлиб хизмат қилувчи терминологик бирликларни ўрганиш тенденцияси XX асрнинг бошларидан сезиларли даражада олға силжиди. Бугунги кун учун муҳим ва ижтимоий муҳит тақозо этаётган масалалардан бири бўлган соҳалар терминологиясини антропоцентрик тамойиллар асосида замонавий талқинда тадқиқ қилишдир. Терминологияни ўрганиш умуммиллий аҳамият касб этади. Тараққий этган терминологик системалар ривожланган адабий тилларнинг муҳим белгиларидан биридир. Бинобарин, турли тизимга мансуб соҳа терминларини саралаш, унификациялаш, таснифлаш, кодификациялаш, изохлаш, уларнинг функционал, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш тил тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида терминология билан шуғулланиш муайян соҳанинг илмий муаммоларини ўрганиш билан уйғунликда олиб бориладиган фаолиятдир. Чунки терминнинг асл моҳиятини изохлаш учун тилшунос унинг мазкур соҳадаги ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганиши талаб этилади. Бугунги глобал дунёда терминология мулоқот жараёнида ахборот манбаи, турли ихтисосликларни ўзлаштириш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Дунё миқёсидаги глобаллашув жараёнида соҳаларда ўзаро алоқалар ўрнатилаётган бугунги кунда миллат руҳиятини, этник-маданий хусусиятларини ўзида акс эттирувчи рақс санъатига оид терминларни замонавий тамойиллар асосида ўрганиш масаланинг долзарблигини белгилайди. Шу кунгача жаҳон тилшунослигида рақс санъатини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари қисман ёритилган бўлса-да, соҳанинг терминологик тизимини бугунги замон талаблари даражасида илмий-танқидий тадқиқ қилиш, тизимлаштириш масаласи тилшунослар олдига қатор муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб кўймоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини оширишда соҳалар терминологиясини тадқиқ этиш ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидланганидек: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эхтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”¹. Шу нуқтаи назардан, терминларни замонавий тилшунослик йўналишларига таянган ҳолда кўриб чиқиш билан бир қаторда, формал, систем-структур когнитив,

¹ <https://uza.uz> Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// “Ўзбекистон овози” газетаси. 21.10.2019.

лингвокультурологик, социоллингвистик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ўзбек терминологиясининг назарий ва амалий нуфузини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 4 февралдаги «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Жаҳон тилшунослигида лексикография ва терминологиянинг, хусусан соҳавий терминларнинг ўрни, тарихи, бугунги ҳолати ва таракқиёт босқичлари, турли тизимга мансуб соҳа терминларини саралаш, унификациялаш, таснифлаш, кодификациялаш, изохлаш, уларнинг функционал, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш каби назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этишга қаратилган илмий кузатишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Boston University, Yale University, University of Chicago (АҚШ); Oxford University, Cambridge University, University of East Anglia (Англия); Sorbonne Université (Франция); University of Geneva

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.krugosvet.rut , www.philol.msu.ru/, <http://scottishdance.net/>; <http://www.baletnoeiskusstvo.Ru>; <http://www.moiseyev.ru>. <http://www.moiseev.arts.ru>; <http://www.narodntanec.ru>; <http://piruet.info> ;<http://www.pseudology.org> ; <http://www.slavlib.ru> ; <http://www.sovetskyballet.ru> ; <http://www.tvkultura.ru>; <http://www.vaganova.ru/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Швейцария); Humboldt Universität, University of Rochester (Германия); [Hiroshima University](#) (Япония); Universiteit Utrecht (Нидерландия); University of Belgrade (Сербия); Лингвистик тадқиқотлар институти, Москва давлат университети (Россия); Озарбайжон давлат тиллар университети (Озарбайжон), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); Хўжанд давлат университети (Тожикистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида соҳалар терминологиясининг юзага келиш омилларининг ўрганилиши, лингвистик ҳамда экстралингвистик факторлар билан боғлиқлиги, соҳа терминологиясининг тил сатҳларида амал қилиш даражаси, лингвокогнитив ва психофизиологик концептуал характери тадқиқига оид олиб борилган тадқиқотлардан қуйидаги илмий натижалар олинган: соҳа терминологиясининг тил эволюциясидаги ўрни, тараққиёт босқичлари ва диалектик алоқадорлиги ўрганилган (Oxford University, Yale University, АҚШ; Sorbonne Université, Франция; Cambridge University, Англия; Humboldt Universität, Германия; University of Geneva, Швейцария; Лингвистик тадқиқот институти, Россия; ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); терминологиянинг мулоқот жараёнида ахборот манбаи, турли ихтисосликларни ўзлаштириш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш воситаси сифатида хизмати ўрганилган (Cambridge University, АҚШ; University of East Anglia, Лингвистик тадқиқотлар институти, Москва давлат университети, Россия; Озарбайжон давлат тиллар университети, Озарбайжон; ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); терминологиянинг тил сатҳларида юзага келиш омиллари ва экстралингвистик факторларнинг ўрни ёритилган (Sorbonne Université, Франция; University of Chicago, АҚШ; Humboldt Universität, Германия; Hiroshima University, Япония; University of Geneva, Швейцария; Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети); терминларнинг психофизиологик хусусиятлари ва когнитив жиҳатлари асослаб берилган (Boston University, АҚШ); соҳанинг терминологик тизими, бошқа соҳалар билан алоқадорлиги ўрганилган (University of Belgrade, Сербия; ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); соҳа терминологиясининг нутқда намоён бўлиши асосланган (Лингвистик тадқиқот институти, Россия; ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Жаҳон тилшунослигида соҳа терминологиясининг юзага келиш омиллари бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: соҳа терминологиясини юзага келтирувчи факторларни аниқлаш; терминологик элементларни бирлаштириш тамойилларини очиқ бериш; соҳа терминологияси асосида юзага келувчи

нуткий ҳодисаларни тадқиқ этиш; тил тизимининг барча сатҳида юзага келувчи терминларнинг қўлланиши ва вазифаларини ўрганиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида терминологиянинг лингвистик хусусиятлари, термин ва умумистеъмол сўзларининг ўзаро муносабати, атамалар омонимияси, терминлар пайдо бўлишининг семантик, аффиксация, композиция ва калькалаш усуллари, терминлар тизимида ўзлашма сўзларнинг ўрни, терминларнинг моносемиклик, муайян соҳа тизимига боғлиқлик, тушунча билан боғлиқлик, фойдаланиш доирасининг чекланганлиги, анъанавийлик ва услубий бетарафлик хусусиятлари каби қатор масалалари кенг ўрганилган бўлиб, бир қанча тадқиқот ишлари бажарилган. Дунё ва рус тилшунослигида В.deBesse, М.Т.Cabre, М.Campenhoudt, L.Depecker, Н.Felber, F.Gadet, D.Gouadec, L.Guilbert, J.Dubois, P.Lerat, S.Pavel, Н.Picht, А.Rey, G.Rondeau, L.J.Rousseau, J.C.Sager, E.Wuster, Д.С.Лотте В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, В.Г.Гак, А.С.Герд, С.В.Гринев, В.П.Даниленко, В.А.Звегинцев, Т.Л.Канделаки, Л.А.Капанадзе, К.А.Левковская, В.М.Лейчик, А.И.Моисеев, С.Е.Никитина, В.Д.Табанаква, В.А.Татарина, А.М.Терпигорев, С.Д.Шелов ва бошқалар терминологиянинг фан сифатида шаклланиш жараёнига катта ҳисса қўшдилар. Ҳозирги вақтда терминология соҳасида масалага ёндашув жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи бир қатор миллий мактаблар - австрия-немис, француз-канада, рус, чех йўналишлари махсус сўз бойлигининг назарий муаммоларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Дунё тилшунослигида рус тилидаги тадқиқотларнинг кўлами ва аҳамияти жиҳатидан умумлаштирувчи “Россия терминология жамияти”³ фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Фан ва техниканинг изчил ривожланиши, турли хил технология ва методларнинг яратилиши, халқаро профессионал алоқаларнинг сезиларли даражада кенгайиши натижасида зарурий мулоқот воситаларини танлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Дунё тилшунослигида шаклланган “Махсус мақсадли тил” назарияси бу саволга маълум даражада жавоб беради. Бу борада Прага лингвистик мактаби вакили Б.Гавранекнинг хизмати катта. В.М.Лейчик, Т.Н.Хомутова, А.И.Комарова, И.С.Кудашев, Э.А.Сорокина, П.И.Москаленко каби тилшуносларнинг ишларида ҳам ушбу масала атрофлича ўрганиб келинмоқда, бироқ ҳали муаммонинг моҳияти тўлиқ тадқиқ қилинмаган.

Сўнгги ўн йилликларда янги терминологик тизимларнинг шаклланиши ва баъзи эски тармоқ терминологик тизимларини қайта тузиш йўллари ва тамойилларини ўрганишга бағишланган махсус

3. Хакимова Г. Г. Развитие терминологии как отдельной дисциплины и её статусов в современном языкознании // Вестник Башкирского университета. 2012. Т. 17. №2. – С. 950-954

тадқиқотлар сони табиий равишда кўпаймоқда. Ушбу йўналишда кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.⁴

Соҳа терминологиясининг, хусусан, В.И. Уральская, А.С. Фомин, Э.А. Королева, Н.А.Александрова, Н.Башкович, Л.Д.Блок, М.Васильева-Рождественская, Н.А.Герасимова, С.Ф.Карабанова ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг рақс санъатига оид ишларида қисман рақс технологияси ва таълими, қисман терминологик тизими тадқиқ этилган⁵. Ўзбек тилшунослигида О.Пўлатованинг “Ўзбек хореография терминологиясининг шаклланиш манбалари ва ривожланиши” мавзусидаги номзодлик диссертацияси бу борадаги дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади. Унда ўзбек хореографик терминологиясининг генетик асослари Фарғона, Бухоро ва Самарқанд рақс мактаблари асосида ўрганилган. Хоразм рақс мактабига қисман тўхталиб ўтилган, холос. Р.Жомонов, М.Муродова, Ш.Худойназарова, Д.Ориповлар томонидан “Ўзбек рақси терминлари изоҳли луғати” нашр этилган.⁶ Луғатда ўзбек рақс санъатига оид терминлар профессионал нуқтаи назаридан изоҳланган бўлиб, лингвистик жиҳатларини ёритиш мақсад қилиб олинмаган.

Ўзбек миллий рақс санъати терминологиясининг ўзбек тили лексикасидаги ўрни, рақс ҳаракатлари номлари, либос ва тақинчоқлар, рақс номлари, предметли рақслар, сўз ва сўз бирикмаси шаклидаги терминларнинг лингвистик ва лингвокультурологик табиати, ҳудудий рақс мактаблари социолекти масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган. Тил тизимидаги инновацион ҳодисалар динамикаси, миллий адабий тилнинг соҳага оид терминологик элементларини бирлаштириш тамойиллари, ўзбек рақс санъати терминларининг лингвистик моҳияти масалаларини ўрганиш зарурати бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган “Ўзбек тилининг субстанциал

⁴Ивина Л.В. Лингво-когнитивные основы анализа отраслевых. М.: Академический Проект, 2003.; Панасенко Н.И. Когнитивно-ономасиологическое исследование лексики: дис. ... д-ра. филол. наук. М.: 2000.; Гаврилин И. С. Моделирование и когнитивные основания терминосистемы профилактической токсикологии в современном английском языке: дис. ... канд. филол. наук. - М.: 1998.; Шурьгин Н.А. Лексикологическая терминология как система. Нижневартовск.: изд-во НПУ, 1997. и др.

⁵Уральская В.И. Природа танца. М.: “Наука” 1981.; Фомин А.С. Понятие «танец» и его структура//Народный танец: Проблемы изучения. — СПб., 1991.; Королева Э.А. Хореографическое искусство Молдавии. Кишинев.: 1970.; Александрова Н.А. Балет, танец, хореография. Краткий словарь танцевальных терминов и понятий. СПб., 2011.; Башкович Н. История хореографии всех веков и народов. М., 1908, Вып. 1.-С.24.; 13. Блок Л.Д. Классический танец. История и современность. М.: “Наука”, 1987.; Васильева-Рождественская М. Историко-бытовой танец. М.: 1963. ;Герасимова П. А. Философское понимание танца//РАН//Вопросы философии, М., 1998, № 4. С. 50-53.; Карабанова С.Ф. Танцы малых народов юга Дальнего Востока СССР как историко-этнографический источник. М.: “Прогресс”, 1979. и др.

⁶ Жомонов Р., Муродова М., Худойназарова Ш., Орипов Д. Ўзбек рақси терминлари изоҳли луғати. - Т.: “Фан зиёси”, 2021.

тадқиқи” мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда Ўзбекистон давлат хореография академиясида амалга оширилаётган “Ўзбек миллий рақс санъати тарғиботига бағишланган вебсайт ва мультимедиа маҳсулотлари тўпламини яратиш” мавзусидаги инновацион илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек миллий рақс санъати терминологиясининг мукамал луғатини шакллантиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш, мавзу доирасидаги терминларнинг лингвистик, лингвокультурологик ва социолингвистик хусусиятларини очиб бериш, ўзбек лексикологиясидаги мавқеини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

соҳа терминологиясининг жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиш масалаларини тадқиқ этиш;

ўзбек миллий рақс санъати терминларининг моҳияти ҳамда уларнинг лексик сатҳдаги ўрнини аниқлаштириш, номинатив бирликларнинг тизимли таснифини яратиш;

ўзбек миллий рақс санъати терминларининг маъно гуруҳлари таснифини шакллантириш;

ўзбек миллий рақс санъати терминларининг лексик-семантик, лингвокультурологик ва социолингвистик табиатини очиб бериш;

ўзбек миллий рақс санъати терминларини лексик-семантик, формал, лингвокультурологик, социолингвистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тавсифлаш;

терминологик структуранинг ички гуруҳларини ифодаловчи номларнинг парадигматик хусусиятларини таҳлил қилиш;

ўзбек миллий рақс санъати терминларининг ўзбек лексикологиясидаги қимматини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек миллий рақс санъати мактабларига оид профессионал нутқда фаол қўлланадиган терминлар жамланмаси танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек миллий рақс санъати атамаларининг маъно гуруҳлари таснифини шакллантириш, лексик-семантик, лингвокультурологик ва социолингвистик табиатини ўрганиш, ўзбек тили лексикаси таркибидаги мавқеини белгилаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда жаҳон ва рус тилшунослигида, жумладан, ўзбек тилшунослигида синовдан ўтган систем-структур, тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, лингвокультурологик, социолингвистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўзбек миллий рақс санъати терминларининг моҳияти очиб берилган ва уларнинг лексик сатҳдаги ўрни аниқланган, номинатив бирликларнинг тизимли таснифини яратиш тамойиллари далилланган;

Ўзбек тилида миллий рақс санъати лексикаси муаммоси, терминлар тизими “Махсус мақсадли тил” концепциясининг таркибий қисми сифатида профессионал тил элементлари эканлиги илмий асосланган;

миллий-маданий гуруҳни характерловчи рақс, либос ва безакларининг ўрни, терминологик структурадаги ички гуруҳларини ифодаловчи номларнинг парадигматик хусусиятлари аниқланган;

Хоразм, Фарғона –Тошкент, Бухоро- Самарқанд рақс мактабларига оид рақс номлари артионимлар гуруҳига мансуб ономастик бирликлар фактик материаллар билан исботланган;

Ўзбек миллий рақс санъати терминларининг лексик-семантик, лингвокультурологик ва социолингвистик табиати вилоятлар кесимида асосида далилланган;

худудий рақс мактабларига оид терминологик бирликлар таркибий ва мазмуний жиҳатдан фарқланиши социолектлар тушунчаси доирасида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек миллий рақс терминларининг лисоний тизимдаги ўрнини белгилаш ва воқеланиш сабабини илмий-амалий жиҳатдан исботлашда амалий аҳамият касб этган;

ҳозирги ўзбек тили, лексикология, терминология, ономастика фанлари дастур ва дарсликларига терминология ва ономастикага оид мавзуларни режалаштиришда, рақс профессионал таълими жараёнларида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

профессионал таълим жараёнини автоматлаштириш ҳамда ўзбек миллий рақс терминологияси луғатини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, систем-структур, тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, лингвокультурологик, социолингвистик каби усуллар билан асосланганлиги, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили соҳа терминологияси замонавий тамойиллар асосидаги лингвистик, лингвокультурологик ва социолингвистик табиатининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда илмий аҳамият касб этади. Шунингдек, ўзбек тили янги илмий лексикологиясини яратишда диссертациядаги материаллар алоҳида мавқега эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек миллий рақс санъати тил бирликларининг лексик сатҳдаги ўрни когнитив нуқтаи назардан аниқ белгиланганлиги билан лексикология, терминология, ономастика, стилистика, лингвокультурология, социолингвистика, шунингдек рақс таълими соҳаларига доир дарслик ва қўлланмалар

яратишда, олий ўқув юртларида маърузалар, махсус курслар ўтишда, амалий машғулотлар олиб боришда амалий қиммат касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек миллий рақс санъати терминларини тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

Ўзбек миллий рақс санъати терминологиясига оид хулосалардан А1-ХТ-092997-сонли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий- ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 14 сентябрдаги 181-рақамли маълумотномаси.) Натижада талаба-ёшлар ўзбек миллий рақс санъати терминлари, уларнинг лингвокультурологик тадқиқи хусусида маълумотга эга бўлишган;

тадқиқотнинг миллий рақс санъати лингвокультурологиясига оид таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолияти доирасида ҳамда 2017-2020 йилларда амалга оширилган “Шарқ Ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи” ҳамда “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш” мавзусидаги давлат грантларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 10 сентябрдаги 02/08-1077-сон маълумотномаси). Натижада маърузалар ва мавзулар кўламининг бойишига, миллий рақс терминларининг лексик-семантик маъно гуруҳларини аниқлашга эришилган;

худудий рақс мактабларига оид терминологик бирликлар таркибий ва мазмуний жиҳатдан фарқланиши хусусидаги илмий хулосалардан ФА-ФІ-Г003-сонли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқотни бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 15 сентябрдаги 17-01-1215-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ миллий рақс санъати терминларининг бадиий-эстетик хусусиятлари миллий кадриятлар билан боғлиқлиги асосланган;

Ўзбек луғатчилигида тил ва маданият муштараклигини таъминловчи лингвистик бирликлар тавсифи хусусидаги хулосалардан 5221000 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” (муаллиф Б.Менглиев) дарслигида фойдаланилган.(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 8 сентябрдаги

02-1489-сонли маълумотномаси). Натижада луғатчилик ва терминология мавзусидаги маърузаларнинг илмийлиги таъминланган;

фольклор рақслари ва маросим рақсларига оид терминларни аниқлаш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш, уларнинг лисоний салоҳияти параметрларини ҳисобга олиш тил-ифода тасвир воситалари ҳамда миллий қадриятлар ва анъаналарнинг лингвокультурологияси ҳақидаги назарий фикр ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф – I - 005-сонли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 13 сентябрдаги 241/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тайёрланган монографияларнинг маросим рақслари ҳақидаги бобларининг илмий савиясини оширишга эришилган.

Ўзбек миллий рақс санъати терминларининг моҳияти ҳамда уларнинг лексик сатҳдаги ўрнини аниқлаштириш, номинатив бирликларнинг тизимли таснифини яратиш билан боғлиқ жиҳатлари хусусидаги назарий хулосалардан ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Таълим ва тараққиёт», ”Бедорлик”, «Адабий жараён» радиодастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканалининг 2021 йил 2 июндаги 89-03-1213-сон маълумотномаси). Илмий натижалар тингловчиларнинг замонавий тилшунослик ва терминология масалалари борасидаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро, 5 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 60 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 2 та монография, 2 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, улардан 5 таси хорижий журналларда чоп этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 238 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Миллий ракс санъати терминларининг ўзбек тили лексикологиясидаги ўрни”** деб номланган. Бобнинг *“Ўзбек тили лексикографияси: тарихи, бугунги ҳолати ва тараққиёт босқичлари”* бўлимида илм-фан тараққиётининг бугунги босқичида муайян тилнинг луғат бойлигини жамловчи ва лексик имкониятларини ифода этувчи, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган лексикография ва терминология соҳалари тилшуносликнинг қадимги илдизларга эга бўлган йўналишлардан бири сифатида талқин қилинган ва бу борада амалга оширилган тадқиқотлардаги фикр-мулоҳазалар шарҳланган ва илмий баҳоланган. Шу тариқа, ҳар бир даврнинг ўзига хос илмий қарашлари асосида ўзбек лексикографияси ва терминологияси босқичма-босқич тадрижий тараққий этганлиги, XX асрнинг биринчи ярмига келиб алоҳида илмий соҳа сифатида ажралиб чиққанлиги, ўзбек луғатшунослигининг объект доираси кенгайиб, диалектология, этимология, фразеология, орфография, лексикологияга оид, шунингдек, энциклопедик луғатлар яратила бошланганлиги таҳлил қилинган. Бинобарин, деярли бир аср давомида У.Турсунов, А.Ҳожиев, А.Мадвалиев, С.Акобиров, Р.Дониёров, Н.Усмонов, Х.Дадабаев, Х.Бектемиров, Э.Бегматов каби кўплаб тилшунос олимларимизнинг ўзбек терминологияси соҳасида олиб борган илмий тадқиқотлари соҳалараро терминологияни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тил бирликлари, одатда, умумистеъмолдаги предмет ва тушунчаларни ҳамда инсон фаолиятининг муайян бирор соҳаси: фан-техника, ҳарбий, тиббиёт, санъат ва бошқа соҳаларда қўлланадиган хусусий тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади. Хусусий тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиладиган атамалар ҳақида олимлар ўз фикрларини илмий ишларида баён этганлар.⁷Дунё

⁷Бойко М.К. Структурно-семантические особенности формирования бронетанковой терминологии в английском языке. Дис...канд.филол. Н. Омск, 2011; Борхвальдт О.В. Историческое терминоведение русского языка. Красноярск, 2000; Будагов Р.А. Развитие французской политической терминологии в XVIII веке. 2 изд М.;2002; Виноградова Л.В. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах дис...канд.филол. Н. Великий Новгород, 2011; Горбань Л.В. Военно-морская лексика русского языка в синхронии и диахронии. дис... канд.филол. Н. Мурманск, 2008; Грошева А.В. Латинская земледельческая лексика на индоевропейском фоне СПб., 2009; Даниленко О.В. Становление и развитие английской туристской терминологии. Омск, 2009; Дианова Г.А. Термин и понятие: проблемы эволюции: (к основам исторического терминоведения). М.: “Наука”, 2000. Лабунец Н.В. Русская географическая терминология в ситуации языкового контакта. Тюмень.: “Родина”, 2007.; Сороколетов Ф.П. История военной лексики в русском языке. Л.: “Искусство”,

тилшунослигида шаклланган “Махсус мақсадли тил” назарияси бўйича В.М.Лейчик, Т.Н.Хомутова, А.И.Комарова, И.С.Кудашев, Э.А.Сорокина, П.И.Москаленко каби тилшунослар томонидан айрим тадқиқотлар яратилган. Масаланинг моҳиятини англашда Т.Н.Хомутованинг изланишлари диққатга сазовор. Олима замонавий тил тизимида “Махсус мақсадли тил” назариясининг шаклланиши ва структуравий характери, ушбу концепт доирасида *ички тил (подязык), функционал услуб, регистр, жанр* тушунчаларининг ўрнини тадқиқ қилади. Шаклий парадигманинг функционал парадигма билан ўрин алмашиши тилшунослар эътиборини тилнинг шаклий жиҳатларига эмас, балки ахборот алмашув юз берадиган мулоқот жараёнидаги ситуатив вазиятларга ва бунда тил бирликларининг ўзгарувчанлиги(вариантлилиги)ни тадқиқ қилишга қаратди. Э.А.Сорокина “махсус мақсадли тил”нинг фақат бир жиҳати – терминлар тизимининг лексик-морфологик хусусиятларигина терминология йўналиши доирасида анча чуқур ўрганилганлиги, лекин унинг фонетик ва синтактик ва матний хусусиятлари жуда кам тадқиқ этилганини таъкидлайди.⁸

Ўзбек тилшунослигида “махсус мақсадли тил” назарияси мукамал ўрганилиши лозим бўлган янги йўналиш сифатида ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. М.Ҳакимовнинг “Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясини⁹ бу борадаги илк тадқиқотлардан бири деб айтишимиз мумкин.

Индивидуал атамалар ва уларнинг тизимларини таҳлил қилиш, атамаларни соддалаштириш ва стандартлаштириш, синоним ва кўп маъноли терминлар масаласи ва уларнинг функционал имкониятларини тадқиқ қилиш каби йўналишлар терминологиянинг долзарб масалалари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам терминлар, хусусан, рақс терминологиясини ўрганишда лексикология, семасиология, ономастика ва когнитив тилшуносликка оид тушунча ва тамойиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи бобнинг “Ўзбек тилида миллий рақс санъати лексикаси муаммоси” номли иккинчи бўлимида муайян соҳага оид терминлар луғатини яратишда шу соҳадаги илмий ва амалий фаолиятга доир предмет, тушунча ва ҳолатларни номловчи лексемалар тўлиқ қамраб олинishi зарурати масаласи тадқиқ қилинган.

Ўзбек маданияти ва санъати, хусусан, мусика, кўшиқ, рақс каби ёндош соҳалар ва санъатшуносликка оид терминларни тадқиқ қилиш ва изоҳли луғатларини яратиш бу соҳаларда таълим тизимини яхшилаш, етук билим ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминлаш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама камол топтиришга замин

1970; Трубачев О.Н. Ремесленная терминология в славянских языках этимология и опыт групповых реконструкций. М.: “Наука”, 1966.

⁸Сорокина Э.А. Язык для специальных целей как средство общения. // Вестник Челябинского ГУ. 2016 № 4 (386). – С. 169-172.

⁹Ҳакимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: филол .фан.номз.дис. автореф.- Т.:, 1993. -21 б.

яратади. Атамалар – касбий мулоқот воситаси.¹⁰ Муайян соҳага оид терминлар луғатини яратишда шу соҳадаги илмий ва амалий фаолиятга доир предмет, тушунча ва ҳолатларни номловчи лексемалар тўлиқ қамраб олинади. Шундай экан, терминология ривожини ҳамда янги терминларнинг пайдо бўлиши фан-техника ва касбий фаолият тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, рақс санъати терминлари ўзбек тилига оид изоҳли луғатларда акс этмаган. Шу билан бирга, шу пайтгача мазкур соҳа лексикасини ўз ичига қамраб олган терминологик тадқиқотлар деярли олиб борилмаганлиги халқимизнинг мазкур соҳага мансуб бой лисоний меросини тадқиқотга муҳтож эканлигини кўрсатади ва бу тилшунослар зиммасига масъулият юклайди. Ўзбек миллий рақс санъати терминларини яхлит бир тизим сифатида тадқиқ этишда шу соҳа терминологиясининг шаклланиш тарихи ва лингвокультурологик омиллари, лексик-семантик гуруҳлари, бойиш манбалари, ясашиш усулларини ўрганиш билан бирга, уларнинг ўзаро мазмуний муносабатларини аниқлаш муаммоси ҳам тадқиқ қилиниши талаб этилади.

Тил структураси билан боғлиқ меъёрларга тил бирликлари бирикувларининг қуйидаги турлари киради: 1) *грамматик* ёки *синтактик*, 2) *семантик* (ёки А.И.Смирницкий фикрича *фразеологик*) ва 3) *лексик* мувофиқлик. Агар грамматик мувофиқлик (кенг маънода валентлик) сўзларнинг нутқий мақомига асосланса, семантик мувофиқлик эса сўзлар билан ҳақиқий предмет ва жараёнлар ўртасидаги мавжуд муносабатларга кўра белгиланади. Уни концептуал мувофиқлик деб таърифлаш мумкин, яъни тушунчалар мувофиқлиги барча тилларда умумийликка эга бўлган хусусият ҳисобланади. Лексик мувофиқлик (ёки тор маънодаги валентлик) кўпроқ миллий, ўзига хос жиҳатдир, чунки у ҳар бир тилнинг ички қонуниятлари асосида белгиланади¹¹. Масалан, Хоразм мактабига оид рақс ҳаракатини ифодаловчи “*жайрон шох*” атамасини таҳлил қилиб кўрайлик. *Жайран*, *жайрон* - охуларнинг Сурия, Эрон, Афғонистон Кавказорти ва Ўрта Осиёда тарқалган бир тури; қорақулоқ. [ЎТИЛ, 2-жилд.66-бет]; *шох* – (ф.-мугуз, шох) - баъзи ҳайвонларнинг бошидан ўсиб чиқадиган суяксимон қаттиқ ўсимта, мугуз; [ЎТИЛ, 4-жилд, 597-бет] *Жайрон* Шарқ мумтоз адабиётида гўзаллик, мафтункор ва хуркак ёр тимсолини ифодалаш учун кенг қўлланидиган поэтик образ саналади. Демак, айнан, жайрон шохининг танланиши мантиқан ўзини оқлайди. Иккинчидан, Хоразм чўл зоналарида қорақулоқ жайронлар бўлган ва шунинг учун ушбу атаманинг Хоразм рақс санъатида пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас. Бу ҳаракатда қўл кафтлари терси билан урилади; кўрсаткич бармоқ тик ва қаттиқ ҳолатда; бармоқ

¹⁰ Қодирова Х.Б. Атама ва изоҳ. Монография. – Т.: “Фан”, 2019. - Б.51.

¹¹ Чумак Л.Н. Социокультурные факторы в становлении новых моделей лексической сочетаемости// Социоллингвистика. Лексикология. Грамматика. Межвузовский сборник научных трудов. Пятигорск, ПГПИИЯ 1993г. С. 255-261

учлари юқорига қаратилади; ўрта бармоқлар кафтларга эгилганрок, бошқа бармоқлар ўз ҳолича қолади – умумий ҳолатда жайрон шохининг тасвирий образи яратилади ва санъатнинг асосий тамойили - образлилик вужудга келтирилади. Шу тариқа, тилда мавжуд сўзлардан фойдаланган ҳолда атамалашув жараёни содир бўлган. Бинобарин, рақс санъатига оид атамаларнинг кундалик турмуш тарзидаги сўз бойлиги билан алоқадорлиги улардан фойдаланишни осонлаштиради, қулай лексик восита бўла олишини таъминлайди.

Одатда, қайси соҳада бўлмасин, атамаларнинг бир қисми бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан ташкил топади. Бундай сўзлар табиий равишда миллатлараро ёки маданиятлараро алоқалар жараёнида тилга ўзлашади. “Ўзбек тили терминологиясининг улкан улушини русча-байналмилал фонд асосида юзага чиққан номлар ташкил этиши”¹² тўлиқ эътироф этилса-да, рақс терминологиясида бу ҳолат кузатилмаганлигини ўзбек халқи фаолиятининг бошқа илмий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва касбий соҳалари терминологиясига нисбатан фарқли жиҳати деб баҳолаш мумкин. Истисно тариқасида айрим русча-байналмилал сўзлар учраса-да, улар жуда озчиликни ташкил этади. Гарчи, ҳозирги вақтда ўзбек тилида терминлар яшаш жараёнида араб ва форс-тожик тиллари манба сифатида деярли иштирок этмаса-да, аммо ўзга қариндош туркий тилларда бўлгани сингари ўзбек тили луғат таркибидаги терминларнинг аксарияти шу қадимий тилларга мансубдир.¹³ Масалан, *рақс, уфори, тақя* каби арабча, *баргак, занг*, “*норим-норим*” каби форс-тожикча сўзлар кўп учрайди.

Диссертациянинг **“Ўзбек миллий рақс санъати терминологиясининг лингвокультурологик жиҳатлари”** деб номланган иккинчи боби тилни маданий онг маҳсули, унинг муҳим таркибий қисми ва маданий онгда шаклланган тушунчаларни ифодалаш омили сифатида ўрганиш асосида рақс терминосистемасининг лингвомаданий жиҳатларини тадқиқ этиш мақсадини кўяди.

Иккинчи бобнинг *“Либос ва тақинчоқлар номларининг рақс терминологиясидаги ўрни”* деб номланган биринчи бўлимида ҳар бир миллий-маданий гуруҳнинг ўзига хос жиҳатларини характерловчи рақс либос ва безакларининг ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Маълумки, Р.Каримова, Л.Авдееваларнинг тадқиқотларида ўзбек миллий рақс санъати ўзининг 3 та мактаб йўналишига эга эканлиги қайд этиб келинган. Мустақиллик йилларида рақсшуносликка эътибор кучайганлиги, рақс тарихига оид изланишларнинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда эътироф этилаётган 5 та рақс мактаби (Фарғона-Тошкент, Хоразм, Бухоро-Самарқанд, Қорақалпоқ, Қашқадарё-Сурхондарё рақс мактаблари) мавжудлиги, мазкур мактабларнинг рақслари бир-биридан нафақат мусиқаси, услуби, ҳаракатлари билан, балки либослари,

¹²Дадабоев Ҳ.А. Замоनावий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. – Т.:, 2016. – Б.27

¹³Дадабоев Ҳ.А. Замоनावий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. – Т.:, 2016. – Б.28

тақинчоқлари ва безаклари билан ҳам ажралиб туриши таҳлил қилинган.

Рақс либослари ёрқин кўрғазмали - намоёиш тавсифга эга бўлиб, миллий-маданий менталитетга хос тантанавор белгилари билан оддий либослардан фарқ қилади. Буларнинг негизида эса асрлар оша авлоддан - авлодга ўтиб келган, юртимизнинг турли ҳудудлари ва ижтимоий табақаларига оид либослар ва ажойиб ранг - баранг заргарлик буюмлари асос бўлган. Шунинг учун ҳам улар ижро этиладиган рақсларга ўзгача кўрк, миллий-маънавий жозибadorлик бахш этиб туради ҳамда дунё миқёсида ўз мухлисларини топишида муҳим аҳамият касб этади. “Хива лазгиси” раққосалари бошига *дудорли, парли, попукли, безакли тахя (тақя)* кийиши, кўкрагига *шавкала* (тақинчоқ) осиши шарт. Бош кийимига турли кушларнинг патини осиш кишилиқ жамиятининг илк босқичларида пайдо бўлган тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ мерос ҳисобланади¹⁴. “Бухорода раққосалар *кундал, адрас, кимхоб* каби матолардан кенг қилиб тикилган *камзул ёки зардўзи ятак*, якраиш *шойидан салла* ўраб, оёқларига пошнаи *бахмал этик* кийиб чиққанлар. Аёл раққосалар, асосан, ўрдаларда, ичкарида, хуфёна базмларда хизмат қилишган. Карвонсарой, сайилгоҳ, тўй каби эркаклар йиғиладиган жойларда уларнинг рақсга тушиши тақиқланган.¹⁵

Фарғона рақсларида эркаклар бўз матосидан тикилган *кўйлак* ва *нимча* ёки енгил *ятак*, миллий *шалвор*, оёқларида *этик* ва бошларига *дўппи* кийган ҳолда рақсга тушадилар. Аёллар кийими ёрқин рангларга бой хонатлас, беқасам ва крепдешин матосидан тикилган ёқали *кўйлак, нимча*, ипак матосидан тикилган *иштон*, бошларига эса паранг, дурра шаклларида ўралган *рўмол*, оёқларида паст пошнаи *туфли*, бўйин, қўл ва кулоқларига осилган турли зебу-зийнатлари билан ажралиб туради.¹⁶

Сурхондарё аёллар рақслари либослари ёрқин ранглардаги *олача, бўз, жанда* матоларидан тикилади, *зебигардон, зафабанд, шодамаржон, билакузук, зирак, нозигардон, кифтак, кўкрактумор, мунчоқ, қўлтиқтумор* сингари тақинчоқлардан фойдаланилади. Эркаклар *ятак* ёки оддий *кўйлак, шалвор* кийган ҳолда оёқларида *мукки (енгил тери чорик)* билан рақсга тушишлари жараёнида шаклланган терминлар таҳлил доирасига тортилган.

Ушбу бўлимда ўзбек миллий рақс санъатининг баъзи тақинчоқлари номлари билан боғлиқ ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос менталитетини кўрсатадиган *тиллақош* (Тошкент), *баргак* (Фарғона), *боло абрў, зебигардон, нозигардон* (Бухоро-Самарқанд), *манглайи-тузи, осматузи* (Хоразм) терминлари лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган.

¹⁴ Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани (тарихий-этнографик лавҳалар) Т.: “O‘zbekiston”, 2012. –Б.293.

¹⁵ Ўзбекистон номоддий маданий мероси. – Т.:, 2017. –Б.90.

¹⁶ <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list>

Иккинчи бобнинг “**Предметли рақс атамаларида миллий-маданий чизгилар**” деб номланган иккинчи бўлимида ўзбек халқи рақс санъатининг миллийликни қабарик ҳолда намоён этувчи муҳим жиҳатларидан бири бўлган *предметли рақслар* борасида фикр юритилган. Рақс санъати ижодкор образли фикрлашининг ўзига хос мусикий ва пластик ифодаси бўлиб, ўзбек рақсларида халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаётий тажриба ва кўникмалари, ижтимоий мавқеи ва миллий характери ўз ифодасини топган. “Ўзбек халқ рақс санъатида қадимдан то ҳозирги кунгача бирор буюм ёрдамида рақс ижро этиш урф бўлган. Масалан, қизларнинг “*Кўза рақси*” тоғ дарёси бўйига сувга чиққан қизларнинг саргузаштларини ифодаловчи сюжетли рақсдир. Бундан ташқари “*Чойнак ўйини*”, “*Қошиқ ўйини*”, “*Пичоқ ўйини*”, “*Таёқ ўйини*”, “*Пиёла ўйини*” каби рақслар қадимдан мавжуд.”¹⁷

Шундай воситалардан бири ўзбек *лаганидир*. Маълумки, ош (палов) ўзбекларнинг шоҳ таоми бўлиб, одатда, тўйларда, арафа кунларида, байрамларда, энг кадрли меҳмонлар шарафига тайёрланади ва лаганда кўпчилик томонидан биргаликда истеъмол қилинади. Мазкур миллий қадриятимизга ҳурмат сифатида “Лаган” номли эркаклар рақси пайдо бўлган. Унда ўзбек йигитларига хос завқ-шавқ, ўктамлик, меҳмондўстлик, бетакрор миллий колорит акс этади. Томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган, хорижлик мутахассисларнинг эътиборини тортган бу рақс асрлар давомида ижро этилиб, сайқалланиб келаётган миллий асарларимиздан биридир.

Предметли рақсларда *лаган, чойнак-пиёла, қайроқ тош, пичоқ* каби буюмлар бевосита рақснинг таркибий элементи сифатида иштирок этишини кузатдик. Яна бир туркум рақслар борки, уларда предметлар бевосита иштирок этмаса-да, рақс ҳаракатлари билан уларга ишора қилинади, уларнинг моҳиятини пластик ҳаракатлар орқали очиқ бериш мақсад қилиб олинади. Масалан, юртимизнинг турли ҳудудларига оид халқ турмуш тарзи, меҳнат фаолияти билан боғлиқ “*Пахта*”, “*Ўзум*”, “*Балиқчи ва балиқ*”, “*Чўпон*” каби рақсларда муайян меҳнат фаолиятига оид ҳаракатлар орқали меҳнат жараёнидан завқланиш, шукроналик ҳамда инсоний кечинмалар, ҳиссиётлар уйғунлигини тасвирлаш, воқелик асосида бадиий тафаккур лавҳаларини ҳавола этиш томошабинда эстетик завқ уйғотишга йўналтирилган. “*Пилла*” рақсида эса ҳар икки усул, яъни предметлардан жонли фойдаланиш ҳамда қайсидир предметларга ишора усули уйғунлаштирилади.

«Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни ўзида жо қилган рақс санъатини маънавиятимиз ва маданиятимизнинг азалий сарчашмаси сифатида асраш, унинг йўқолиб бораётган шакллари ва ҳаракатларини, атамаларини тиклаш, рақслар табиатини, таркибий тузилиши, ижро хусусиятлари, предметлар, либос ва зебу-зийнатларнинг ижрони

¹⁷ Муродова М. Халқ ижодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: 2015. –Б.48.

тўлдириш, мукаммаллаштириш ва сайқаллаштиришдаги аҳамиятини илмий жиҳатдан ўрганиш рақс санъати соҳасида фаолият олиб борувчи ижрочи балетмейстер, ташкилотчи ва илмий тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир».¹⁸ Бунинг учун эса рақслар ижросининг матний ва видеоёзув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, махсус терминологияни яратиш илмий жамоатчилик олдида турган муҳим масала ҳисобланади.

Учинчи боб **“Ўзбек миллий рақс санъати терминологиясининг социолингвистик жиҳатлари”** тадқиқига бағишланган. Бобда ўзбек рақс санъати терминологиясининг социолингвистик асослари ҳақида мулоҳаза юритилган. Социолект атамаси тилшуносликда XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. У икки қисмдан иборат - жамиятга бўлган муносабатни билдирувчи социалнинг бир қисми ва "диалект" сўзининг иккинчи таркибий қисми; бу моҳиятан "ижтимоий лаҳжа" иборасининг бир сўзга қисқариши. Социолект - бу - миллий тилнинг маълум бир қуйи тизими ичида касбий, синф, ёш ва ҳоказо ижтимоий гуруҳга хос бўлган лингвистик хусусиятлар тўплами. "Социолект" атамаси хилма-хил ва бир-бирига ўхшамайдиган тил бирликларини назарда тутиш учун қулайдир, аммо уларни бирлаштирадиган умумий хусусият мавжуд: бу шаклланишлар ижтимоий жиҳатдан чекланган одамлар гуруҳларининг коммуникатив эҳтиёжларига хизмат қилади.¹⁹ Ана шу таъриф рақс санъати профессионал нутқини социолект ва ушбу гуруҳ лексикасини социолектнинг таркибий элементлари сифатида талқин қилишга асос бўла олади.

Учинчи бобнинг уч бўлими ҳудудий рақс мактаблари терминологиясининг социолингвистик талқинига бағишланган бўлиб, жамиятнинг турли синфлар, гуруҳларга бўлиниши туфайли тилда рўй берадиган ижтимоий дифференциация ҳодисаси рақс терминларининг ҳам ҳудудий жиҳатдан фарқланишига олиб келиши масаласи социолингвистик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган. Ҳозирги кунда 5 та рақс мактаби мавжудлиги хусусида айтиб ўтган эдик. Юқорида қайд этилган рақс мактабларининг ўзига хос жиҳатлари санъатшунослик²⁰ нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса-да, муайян социолект терминосистемаси сифатида махсус тадқиқ қилинган эмас. Тилшунос О.Пўлатова томонидан “Фарғона мактаби лирик рақс терминлари” доирасида қисман ўрганилган. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Фарғона водийси шевалари адабий тилга яқин бўлгани боис

¹⁸ Ганиев С., Ҳамроева Ҳ. Қадриятлар уйғунлиги: Қозоғистон ўзбекларининг миллий рақс санъати. Марказий Осиё халқларининг маданий истиқбол ҳамкорликлари. - Т.: 2020. -Б.92.

¹⁹ https://www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/sociologiya/SOTSIOLINGVISTIKA.html

²⁰ Авдеева Л.А. Ўзбекистон рақс санъати. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960; Қодиров Ф. Ўзбек рақслари. Т.: “Тошкент” дав. нашриёти, 1964. (Ўзбек ва рус тилларида.). Каримова Р. Ферганский танец. Методическое пособие. Т.: Изд.им. Г.Гуляма, 1973. Каримова Р. Бухарский танец. Т.: Изд.им. Г.Гуляма, 1977. Каримова Р. Ўзбек рақслари. Ўқув қўлланма. -Т.: “Чўлпон”, 2003. Каримова Р. Ферганский танец. Т.: Изд.им. Г.Гуляма, 1977.; Рахимова Н. Хоразм рақси ҳақида ўйлар. “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 04.10.1966.; Г.Матякубова Ш.Эшжоновна. “Офатихон Лазги” – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. ва бошқалар

рақс терминологиясида ҳам диалектал белгилар ёки изоҳталаб мураккаб бирликлар кам учрайди. Шунингдек, ишимизнинг айрим ўринларида Фарғона ва Сурхондарё рақс мактаблари терминологиясининг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтдик. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Хоразм ва Бухоро рақс мактабларининг социолингвистик жиҳатдан мураккаб ички хусусиятларга эгаллиги нуктаи назаридан тадқиқотимизнинг мазкур бобида ана шу икки ҳудуд ва қисман Фарғона рақс мактаби терминосистемаси лингвистик жиҳатларини тадқиқ қилиш билан чегараланамиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўзбек рақс мактаблари терминлари тизимида умумтилга хос муштарак жиҳатлар ҳам мавжуд, албатта.

Учинчи бобнинг “*Хоразм рақс мактаби*” номли биринчи бўлимида Хоразм рақс санъатининг социолингвистик жиҳатлари воҳанинг бир неча минг йилликларга бориб туташадиган кўхна маданияти, серкирра санъати илдизлари асосида ўрганилган. “Авесто” туғилган мўъжизалар ўлкасининг ўтмиши, маданий мероси, ривоят-у асотирлари, сеҳрли-сирли осори-атиқалари азал-азалдан дунё ҳамжамиятини ҳайратга солиб келмоқда. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С.П.Толстовнинг қадим Хоразм тарихига оид тадқиқотларининг салмоғи дунёга машҳур китобларидан ташқари яна 11 жилддан иборат ҳали ўрганилмаган кўлёмаларда ўз тадқиқини кутиб турибди.²¹ Олим 32 йил давомида (1937-69) Хоразм археология-этнография экспедициясининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида бу афсонавий ўлканинг ибтидоий, қадимий ва ўрта аср дин тарихи, ижтимоий тузуми ҳамда маданиятини ўрганган. Тупроққалъадан топилган, милoddан аввалги III - I асрларга мансуб арфа чалаётган аёл сурати ҳам, айнан, мазкур илмий экспедициянинг ноёб топилмаси ҳисобланади.

Қадимда қарсақ, қайроқ ва таёқларни уриштириш, ҳайвонларга тақлид қилиш орқали ҳосил бўлган усуллар билан ижро қилинган халқ ўйинлари давр ўтиши билан мукамаллик касб этиб, профессионал рақсларга айланиб борган. Қоятош расмлари, амалий безак санъати намуналарида акс этган ҳаракатлар ўзбек миллий рақсининг узоқ тарихга эга эканидан далолат беради. Профессор Л.Р.Садоков Хоразм мусика маданияти тарихига оид тадқиқотларида Жонбосқалъадан топилган манбалар асосида қадимий созлар, зарбли чолғулар, маросим кўшиқлари ижро этилган мусиқий давралар, ликобчалар билан ўйнаган раққосалар ҳақида ёзади.²²

Хоразм санъати ва маданияти тўғрисидаги муҳим маълумотлар “Авесто” ҳамда Геродотнинг “Тарих”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, С.П.Толстовнинг “Древний

²¹Итина М.А. Хорезмская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований. Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: “Наука”, 1981.-С.55.

²²Садоков Л.Р. Музыкальная археология древней и средневековой Средней Азии: ударные инструменты. - М.: “Наука”, 1996. - С.35

Хорезм”, “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”, Исо Жабборовнинг “Кўхна харобалар сири”, Т.Қиличевнинг “Хоразм халқ театри”, В.И.Авдеевнинг “Қадимги Шарқ тарихи”, М.Раҳмоновнинг “Ўзбек театр тарихи”, С.П.Сенсеревнинг “Легенда о Хорезме” китоблари орқали етиб келган. Археологик қазилмалар натижасида Жонбосқалъа, Калтаминор ёдгорликларидан топилган, Маъмун академияси архивларида сақланаётган нодир манбалар ҳам ўз тадқиқини кутиб турибди.

“Зимлак” ўйини қадим хоразмликларнинг марҳум ёнида садрга тушишлари натижасида, гўё ўлган киши қайта тирилади, жон ўлмайди деган ибтидоий тасаввурлар билан боғлиқ. “Зимлак” ўйинининг номи сўнги нафасда нариги дунёга кетган киши мажозий маънода тирилиши, ўлган киши руҳига эътиқод қилиш тасаввурлари орқали вужудга келганлигини кўрсатади.²³

Қадимдан пайдо бўлиб, бизгача етиб келган яна бир маросим “Қизил гул” байрамидир. Ибтидоий даврдан XX асрнинг 20-йилларигача Хоразмда “Қизил гул” ёшлиқ, севги, шодлик, баҳор байрами сифатида нишонланган. Сумалак сайли билан боғлиқ “**Ашшадарози**” ўйини ҳам ибтидоий давр элементларига эгаллиги билан ажралиб туради.²⁴ У қадимий ўйин, анъана тарзида авлоддан-авлодга ўтиб келган. “Ашшадарози” хотин-қизларнинг Матриархат давридаги ҳукмронлигини кўрсатади. Иккинчидан, сумалак тайёрловчилар, сумалакларни айнан кун чиққан вақтга тўғрилаб пиширадилар. Бу қуёш тангрисига сиғиниш белгиси сифатида нишонланиб келинган. Учинчидан, “Ашшадарози” сўзининг ўзи қадимий Хоразмийлар тилидан ёдгорлик эканлиги билан ажралиб туради.

Афсонавий ўлкада илгари тўйлар ва йиғинларни аёллар ва эркеклар бирга ўтказганлар. Кейинчалик ислом дини қоидаларига биноан эркеклар ва аёллар учун алоҳида маросимлар ўтказиш одат тусига кирган. Шу тариқа ичкари ҳовли учун ижод этадиган аёллар санъати пайдо бўлган. Улар халқ орасида “**халфалар**” деб юритилган ва санъатнинг жуда кўп соҳаларини эгаллаб, *ангишвона, ликобчалар, қошиқ, пиёлаларни* чертиб, бир-бирига уриб, *занг, қайроқ, доира* чалиб, улар оҳангига рақсга тушиб, даврани қизитганлар. Санъатшунос С.Собированинг фикрича, “Авесто”ни ижро қилган аёллар ўтмишда ҳам халфа деб юритилган. Хоразм халфалари кўшиқ ва рақсларининг қадимийлиги, шубҳасиз “Авесто”даги маросим рақслари билан боғлиқ, халфалар фақат қадимий удумлар, ибодат куйларини эмас, балки энг кўхна “Лазги” йўлларини ҳам етказишда ўз ҳиссаларини қўшишган.”²⁵

²³ Косвен М.О. Очерки первобытной культуры. - М.: “Наука”. - С.165.

²⁴ Решетов В.В. Ўзбек шевалярининг классификацияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1966. -№3 –Б.17

²⁵ Собирова С. Хоразмнинг Лазгиси // “Ёшлик”. – Т.:, 1990. -№4.- Б.-66.

Халфалардан бири пиёла чертса, иккинчиси қайроқ ёки занг чалган. Учинчиси ялла айтиб, рақсга тушган ва бу ҳаракатлар навбатма - навбат алмашиб турган. Натижада, Хоразм санъатида янгича, бетакрор бир йўналиш пайдо бўлди. Бу ноёб санъат тури нафақат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида, балки дунёдаги ҳеч бир халқда учрамайди. Хоразмда турли оммавий сайллар, тўй ва аза маросимларида хотин-қизлар даврасини халфаларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. **“Халфа”** истилоҳи “устонинг (устознинг) шогирди” деган маънони ҳам билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “халфа [арабча – бир-бирининг ортидан бориш, эргашиш; ўрин алмашиш] 4. *Фольк*. Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл” эканлиги айтилган.

Маълумки, “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ” қўшиқ сақланган. Ибодат маҳалида уларни ёд ўқиш қалб покланиши учун муҳим восита ҳисобланган. Олим Ҳ.Абдуллаев тўғри таъкидлаганидек , “гоҳ”ларни ёддан ўқийдиган хотин-қизлар ўша даврдаёқ **“қалпа”** номи билан юритилган²⁶.

Тамаддун бешиги бўлмиш Хоразм қадимги маданиятининг илк кўринишлари рақс санъатида ёрқин намоён бўлади. Этнограф Т.Қиличевнинг фикрича, “Халфалар лапар ва яллаларни чолғу асбобида эмас, балки бармоққа кийиладиган *ангишвоналар, ликобчалар, қайроқ,* билакка тақиладиган *занг* ритмларига жўр бўлиб куйлаб, рақсга тушганлар. Хотин-қизлар қадимдан ўйнаб келаётган “Лазги”ларни ҳам улар ёрдамида қойилмақом қилиб ўйнашга ўрганганлар.”²⁷

“Лазги”нинг тўққиз тури бу мўъжизалар ўлкасининг маданий харитаси мисол муҳим аҳамият касб этади. Турли-туман кўринишга эга Хоразм рақсларининг тарихий жараёни, тараққиёт йўллари ҳар бир даврдаги услуб ва жанрларини ўзига хос ва мос хусусиятларини илмий, назарий таҳлил қилиш вақти етиб келди.

“Лазги” атамасининг этимологияси ҳақидаги фаразлар мураккаблигича қолмоқда. Қадимги Хоразм тилига оид *lazgi* сўзи умум. эр. **raiz-* "совкотмоқ, қалтирамоқ (шунингдек, "титрамоқ", "томмоқ")" каби маъноларга эга асосга бориб тақалади. Умум.эр. **raiz-* жумладан, "таниш мусиқий аккорд(хоразмча "рез")" ва "нағмининг қисми" маъноларини ҳам англатади. Ўз навбатида умум.эр. **raiz-* ҳинд-евр. ‘титрамоқ, қалтирамоқ, ликилламоқ’ маъносидаги **leig-*, **leig-* ўзагига бориб тақалади.

Титрама”, “*қарс*”, “*гавдани тик тутуш*” ҳаракатлари фақат Хоразм “Лазги”сига хос бўлиб, ўзга миллатлар рақсида учрамайди.

“Лазги” - халқ ичидан етишиб чиққан истеъдод эгаларидан, санъат таълимини олган раққосалардан алоҳида ижрони талаб этувчи мураккаб тизимдан иборат рақс туркумидир. Ҳар бир даврда яралган рақс -

²⁶ Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. – Т.: ТДПУ нашриёти, 2005. – Б.6.

²⁷Қиличев Т. Лазги рақси турлари. Танланган асарлар. – Урганч.: “Хоразм”, 2020. –Б 97.

“Масхарабоз лазгиси” (имо - ишора, пантомимик тақлидий), “Қайроқ лазгиси” (ритмлар, зарблар орқали), “Дутор лазгиси” (афсоналардан яралган), “Сурнай лазгиси” (турли-туман мусиқа асбоблари ижроси, ғалаба куйи), “Сарой лазгиси” (хаётий-ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан), “Чангак лазгиси” (халқлар дўстлиги уйғунлашувидан келиб чиққан), “Хива лазгиси” (жамиятнинг ривож, табиий шароитларидан келиб чиққан), “Гармон лазгиси” (хаёт муаммоларидан келиб чиққан), “Яллали лазги” (К.Отаниёзов яратган) ўзининг мустаҳкам миллий илдизларига эга. Диссертацияда “Лазги” рақс туркумининг социолингвистик хусусиятлари батафсил таҳлил қилинган.

Мактаб яратган атоқли санъаткор Гавҳар Матёкубова Хоразм рақс йўналишларининг қадим илдизларини аниқлаш учун тинимсиз изланмоқда. Машаққатли меҳнатлари эвазига “Авесто” даврида ўйналган, унутилиб бораётган қадим рақсларни қайта тиклаб, бойитиб, уларни сахнада жонлантирди. Қуйида шу рақсларнинг рўйхатини келтирамиз:

1.Тарихий рақслар: “Лазги афсонаси” (9 лазги), “Анахита” рақси (Гўзаллик маъбудаси, “Авесто” даври), “Қайроқ сўзлаганда” (Тош даври), “Лаган ўйини”, “Тошлар тилга кирганда”, “Зикр” рақси;

2. Урф-одатлар рақси: “Лачак ўйини”, “Келин салом”, “Сумалак сайли”, “Хоразм қовун байрами”, “Жахува”, “Олти халфа”, “Бешик тўйи”, “Шоли байрами”;

3. Ҳаёт муаммоларидан келиб чиққан рақслар: “Ўғлон бола”, “Орол фарёди”, “Кундошлар”, “Анаш чўлок”;

4. Маиший меҳнат рақси: “Чўғирма”, “Хотинбоз”, “Низонгул”, “Сартарош”, “Этиқдўз”;

5. К.Отаниёзов яратган “Яллали” рақслар.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни кайд этиш мумкин:

- мазкур рақс ўзбек халқининг бой тарихини акс эттиришда, турли миллат вакиллари ўртасида биродарлик руҳини шакллантиришда муҳим умуминсоний ижтимоий вазифани бажаради;

- “Лазги”нинг юқори даражадаги байрам тадбирларида ижро этилиши шахсларлараро маданий-маърифий муносабатлар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади;

- “Лазги” туркумига оид рақсларнинг келиб чиқиши, номлари, либослари ва безаклари лингвокультурологияси уларга оид атамаларнинг таҳлили унинг ниҳоятда қадимий санъат тури сифатида теран тадқиқ қилиниши зарурлигини билдиради;

- “Лазги” рақси ҳақида кўплаб монография ва рисолалар²⁸ ёзилганлиги

²⁸Каримова Р. Хорезмский танец. Т.: Изд.им.Г.Гуляма.1975.; Киличев Т. Хоразм халқ театри// Хоразм халқ ўйинлари мактаби. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.; Каримова Р. Танец Ровия Отажонова. Т.: Изд.им.Г.Гуляма.. 1983.; Матякубова Г. Эшчонова Ш. Офатихон Лазги. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Гавҳар Раҳимова. “Кутлуг йўлда”,Т.: “Ёш гвардия”, 1973; Кобулниёзов Ж. Хоразм халқ кўшиқлари ва ўйинлари. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 ; Обидов Т. Театр танцы масхарабоз Хорезма. Т.: Изд.им.Г.Гуляма. 1967; Жабборов И. Хоразм ўйинлари этнографияси. Т.:1977; Бобожонова Г. Қайроқ рақсини ўрганиш. “Урганч” нашриёти, 2000; Юнусова Д. Азбука танца. Т.: “Янги аср авлоди” 2015; Горлина И.Г. Традиционные формы танцевального искусства Хорезма // Журнал «Санъат» Т.,

хам диққатга сазовор.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими “*Бухоро рақс мактаби*” тадқиқига бағишланган. Ўзининг фалсафий идрок этиладиган асарлари билан ажралиб турадиган Бухоро рақс мактабининг қадим ва бой тарихи бор. Ўзбек миллий рақс санъатининг муҳим таркибий қисми бўлган бу рақсларда ранглар, туйғулар, ҳиссиёт, нозик имо-ишоралар ниҳоятда ёрқин акс этади.

“Бухоро рақси – ўзбек халқ рақс услуби. Бухоро музофотида шаклланган ва ривожланиб келган. Ҳаракатларининг мардонвор ва шиддатлилиги, *қайрилиш*, *ярим қайрилиш*, *шоҳ* ва *чархларга* бойлиги билан ажралиб туради. Тиззалар сал букилиб, қомат ғоз тutilган, кифтлар орқага ташланиб бош кўтарилган ҳолатда ижро этилади. Қўл баъзан тез, баъзан майин, эгилувчан ҳаракатланади. Рақс тури ва ўйин жойига қараб ҳаракатлар силсиласи ўзгаради”²⁹. Рақс санъати Бухорода ўзига хос шакл ва йўллар, ижро услублари ҳамда миллий қадриятлар билан боғланган ҳолда ривожланиб келган ва бу жараён шундай давом этмоқда.

“*Бухоро бўй-бўйи*”, “*Талқин*”, “*Уфори баёт*”, “*Соқийномаи баёт*”, “*Гулузорим баёти*”, “*Савти сарвиноз*”, “*Бухоро ларзони*”, “*Ларзон*”, “*Чаққон қиз*”, “*Сухайл ва Меҳри*”, “*Уфори чиллаки*”, “*Шодиёна*”, “*Занги ўйин*”, “*Якка базм*” каби рақсларда воҳанинг бетакрор гўзаллиги, латофати акс этади.

Мавриги [Марв шаҳри номининг метатезага учраган шаклидан: марвлик (эроний)] Бухоро мусиқа анъаналарига хос, туркум шаклида ижро этиладиган қўшиқ ва куйлардан иборат, авжи шўх рақс билан яқунладиган фольклор жанри³⁰. Бугунги рақсшунос ва санъатшунослар олдида турган энг долзарб вазифа “Бухорча” ва “Мавриги” туркумидаги рақсларнинг мукамал видео ёзувларини шакллантиришдан иборат. Бухоро рақсларининг бадий-эстетик қирраларини ёрқин ифода этувчи илмий асарлар яратилиши давр талабидир.

Таниқли фольклоршунос О.Сафаровнинг миллий рақс санъатининг бой хазинасидан халқни баҳраманд қилишдаги чуқур изланишлари кенг қамровли бўлиб, таҳсинга сазовордир. Ярим тарихий, ярим афсонавий ривоятлар, воқеа-ҳодисалар асосида яратилган рақслар ҳам мавжуд, лекин улар илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган. Қадим илдизлари мустаҳкам,

2009. № 4. С. 36-38. ;Горлина И.Г. Из солнца и неба Узбекистана // Журнал «Балет». М., 2013. № 6. С. 16-18. ;Горлина И.Г. Хореографическое искусство и гармоничное развитие личности // Журнал «Звезда Востока». Т., 2015. № 1. С. 112-144. ;Gorlina I.G. Traditional dances of Khorezm // «Applied and Fundamental Studies»: Proceedings of the 3 rd International Academic Conference. (August 30-31, 2013). St. Louis, USA: The Global Partnership on Development of Scientific Cooperation LLC., 2013. 488p.; ;Gorlina I.G. The variety of forms and genres of dance Khorezm. // Proceedings of the 1st International conference on development of history of art and culturologi in Eurasia (November 3, 2014). «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH. Vienna. 2014. – 172p. ;Gorlina I.G. Some features of the uzbek national dance and questions of folklore dance studies // «In Advanced Studies in Science: Theory and Practice» (Vol. 2) (30. 09. 2015). London, UK: Ron Bee & Associates and the Global Partnership on Development of Scientific Cooperation, LLC., 2015. – 113p. ; Gorlina I.G. Ethno-cultural parallels dance culture in Khorezm and Turkey // «Science and Innovation in the Globalized World» (Vol. 1), (December 20, 2015). San Diego, USA: The Global Partnership on Development of Scientific Cooperation LLC., 2016. – 230p.;

²⁹Бухоро рақси.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.2-ж.. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.297

³⁰Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 2-жилд. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 603

миллий қадрият ва анъаналарни турли образлар ва ижро услубларида ифодалаган Бухоро санъат мактабига тааллуқли “Бухорча” шашмақомнинг “Уфор” қисмлари оҳангларига асосланган жозибатор рақсларни олим қуйидагича таснифлайди:

1. “Қайроқ уфори” - фақат қайроқ жўрлигида тез ва қувноқ ҳаракатлар замирида қурилган рақс.

2. “Равона” – гўзалнинг хуш афтори, нозикадо хиромии негизида қурилган бу рақс хонанда жўрлигида амалга ошади.

3. “Уфор” – яққа раққоса ижросидаги ритмик рақс. Гўзал мушк-анбарини таратиб, томошабинни сархуш этишга чоғланган ҳаракатлардан таркиб топган рақс.

4. “Ларзон” – фақат доира ёки бир неча доира жўрлигидаги жозибали шўх-шаддот рақс. Бунда танадаги ҳар бир аъзонинг нафис титроғи асосидаги дил ўртагувчи ҳаракатлар гармонияси орқали маъно ифодалашга эътибор берилган. Бу рақс мустақил яққа рақс сифатида ҳам алоҳида шуҳрат қозонган ва кенг оммалашган. Бунда машҳур хореограф И.Оқиловнинг хизмати беқиёс.

5. “Занг рақси” ёки “Зангбанди” - қўл, бел ва оёқларга занг боғлаган ҳолда қуйланаётган қўшиққа жўрнавозликдаги рақс.

Ўзбекистон халқ артисти В.Оқилова “Ривоят” номи билан машҳур бўлган қадимий Бухоро рақси ҳақида шундай дейди: “Бу рақс Бухоронинг энг халқона рақсларидан бири бўлиб, ишқ оловида ёнган, бир-бирининг васлига зор севишганларнинг дарду изтироблари ҳақида. Йигит билан қизнинг учрашиши тақиқланган замонларда, икки юракнинг дукурлаб уриши, висолга талпиниши, пинҳона учрашувлари, учрашувда бир-бирига термулишлари жуда ҳаққоний ифодаланган. Тўғри, халқ ашулалари оҳангида яратилган бу рақснинг турли вариантлари ҳам бор. Унда раққос изтиробни, дарду ҳасратларини айлана бўйича чархи, айланиш ҳаракатлари туркуми билан уйғунликда намойиш қилади. Рақснинг яқунида раққоса тиззасида ерга ўтириб, гавдасини орқага ташлаб, ерга ётиб, қўллари билан тўлқинсимон чайқалишлар, гирдоб ҳаракатларини бажарган. Бу рақсни барча табақалар яхши кўришган. Тўйларда энг кўп ижро этиладиган, ёшу қари энг кўп сўрайдиган рақслардан бири бўлган”³¹.

Шунингдек, Бухоро рақс мактаби ўзининг комик рақслари билан ҳам ажралиб туради. “Байда уфори”, “Шайтон мўккичи”, “Така бози”, “Пуфак курка”, “Оташ кема”, “Кампир ўйин”, “Дорбоз ўйин”, “Чўпон рақси”, “Заргарон”, “Қўғирчоқчи рақси”, “Оташ ўйин”, “Аждаҳо”, “Муаллақи рақси”, “Кардбози”, “Аза садри”, “Обикор”, “Чача алоча” каби рақсларнинг номланишининг ўзиёқ уларнинг нақадар қадимий эканлигини ва этник жиҳатдан ўзига хос гуруҳлар мавжудлигини

³¹ Пўлатова О. Ўзбек хореография терминологиясининг шаклланиш манбалари ва ривожланиши. Фил.фан. номз. дис.–Т.: 2003. –Б.34.

билдириб турибди. Рақсларнинг номлари уларнинг машғулоти, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи, оилавий муносабатлар, диний эътиқоди, маиший, моддий ва маънавий ҳаётининг ранг-баранглигидан дарак берапти.

Бухоро рақс мактабига оид атамаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Туркий атамалар	Форс-тожикча атамалар	Ярим калька атамалар
Томчилар	Зебигардон	Қўлдаста
гавда элаш	Нозигардон	чиройли пешонабанд
қуёш нурлари	Гулруҳ	занг уриш
ой жамол	Гардиш	Қўлибанд
Силдирма	чархи миён	қоши камон
гавда ирғиш	чархи дузону	ларзон йўрға
нозик қўллар	Ларзон	гардан тумор
Титратма	қомати зебо	занг садоси

Учинчи бобнинг учинчи бўлими “*Фарғона рақс мактаби*” деб номланади. Унда Фарғона - Тошкент рақс мактаби доирасида миллий рақс санъатининг энг қадимги даврларига мансуб намуналари ўз аксини топган. Уларнинг ўз йўллари ва ўзига хос ижро услублари мавжуд. Фарғона – Тошкент маданияти тарихида халқ санъати муҳим ўрин эгаллайди. Улар бошқа рақс мактабларидан услуби, композицияси ва образ яратиш тамойиллари билан фарқ қилади. Шунингдек, Фарғона - Тошкент рақс мактаби либос ва тақинчоқлар, рақс безаклари борасида ҳам ўзига хос содда услубга эга. Рақслар, асосан, ижрочилик амалиётида ривожланган. Фарғона рақслари ҳаракатларидаги мажозийлик, кўз қарашлари ва имо-ишоралардаги ички маънодорлик томошабинни ўзига тортади. Унинг шаклланиш босқичлари водийнинг маданият ва маънавият равнақи билан чамбарчас боғлиқдир.

Фарғона-Тошкент рақс мактабининг шаклланиши ва тараққиётида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоеванинг хизматлари беқиёс. Устозлар анъанасини давом эттирган Мукаррамахоним дастлаб “Катта ўйин”, “Дучава”, “Усмония”, “Садр”, “Уфори сохта” каби оммавий рақсларни маҳорат билан ижро этди. У тинимсиз изланишда бўлди. “Роҳат”, “Уйғурча рақс”, “Раққоса”, “Ноғора”, “Бухороча”, “Гулсара”, “Пахта”, “Роҳат”, “Қаринаво”, “Қипчоқлар”, “Дилхирож”, “Доира”, “Ғайратли қиз”, “Абдурахмонбеги” каби рақсларни қайта тиклади. Уларни сайқаллаб, сахналаштиришда фольклор материалларидан кенг фойдаланди. Фарғона – Тошкент рақс йўналишида яллали рақслар муҳим аҳамият касб этади. “Хусусан, хотин-қизлар давраларида рақсга тушиб ялла ва лапар айтиш, ашула куйлаш (яллачилик) одат тусини олган. Якка ҳолда яллачилар ўз кўшиқларига дутор ёки доирада жўр бўлишади. Ансамбль шаклида

ижрочилар эса, одатда, 2-3 аёлдан иборат бўлиб, улар, асосан, доира жўрлигида куйлашади. Яллагиларнинг репертуари ялла, лапар ва тўй-маросим кўшиқлари (“Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Ўлан” ва б. асар)дан ташкил топади. Яллагиликнинг яна бир кўриниши Наманган анъанасида “сатанг” деб аталиб, булар кўпроқ туркумли (2 ва ундан ортиқ қисмли) “катта ялла”ларни доира жўрлигида (одатда рақсга тушиб) куйлайдилар”.³²

Хусусан, “Тановар” рақси Фарғона-Тошкент рақс мактабининг ўзига хос рухий-маданий белгиларини ўзида мужассам этган композицион асар ҳисобланади. Ҳар бир худуднинг халқ ҳаёти билан боғлиқ тамойиллари даврлар, одамлар, удумлар, урф-одатлар ва миллий қадриятларнинг характерли услублари маҳсулидир. Шу нуқтаи назардан қараганда халқ орасида эркин ижрога мослашган “Тановар”нинг оммабоп кўринишлари яратилган. Унда аёл кўнглининг мунгли изтироблари жозибали ҳаракатларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Даврлар ўтиши билан, унинг шакли ва ифода усуллари ўзгариб боради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Тановар” атамасига қуйидагича таъриф берилган: **Тановар** [форсча - семиз, бўлиқ; барваста, гавдали] Ўзбек халқ рақс куйларидан бирининг номи. *Тановарни чалмоқ. Тановарга ўйнамоқ*³³. Биринчидан, атаманинг луғавий маъноси форсча - *семиз, бўлиқ; барваста, гавдали* маънолари билан у қадар мос келмаган. Иккинчидан, мусиқа терминлар тизимида куйнинг номи бўлса, рақс терминологиясида рақснинг номи сифатида конкрет атама ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ш.Раҳматуллаев тавсифи ҳақиқатга яқинроқ.

Тановар ПРС (Персидско-русский словарь)да *танаввор* оти келтирилган бўлиб, “*ёрқинлик*” маъносини англатиши айtilган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “рақс куйларидан бирининг номи” деб изоҳланган тановар оти ана шу форсча отнинг товуш жиҳатидан жиддий ўзгарган шакли бўлса керак: иккинчи бўғиндаги а товуши о (â) товушига, охириги бўғиндаги о (ў) товуши а товушига алмаштирилган, **вв** товушларидан бири айtilмай қўйган.³⁴

Т.Ғофуров рақснинг “Тановар” деб номланиши хусусидаги турли вариантлари мавжудлигини шундай тавсифлайди: XIX асрда Тановар ибораси Фарғона водийсида кўпроқ ишлатилган. Бу ўлкада яшайдиган ҳунарманд маҳсидўзлар ошланган терини “тановар” деб аташган. Баъзи бирлари бўлса ўша ошланган теридан тикилган маҳсини кийиб юрганда ундан чиқадиган “ғарч-ғурч” овозини ҳам тановар дейишган. Бир манбада Тановар – “тан” жисми, “овар” – эса олиб келиш маъноларини англатса,

³²Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-ж. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. -Б.206.

³³Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 3-ж. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 666

³⁴Раҳматуллаев Ш Ўзбек тилининг этимологик луғати, 3-ж. - Т.: “Университет”, 2009. –Б.222.

бошқа бир манбада “Тановар” – форсча сўз бўлиб “жасур , қудратли, кучли” деган маъноларни англатган.³⁵

Шу тариқа, ўзбек рақс терминологияси ҳам ўз атамаларининг туб илдизларини, асосан, ўзбек тилининг бой лексик манбаларидан, қолаверса, маҳаллий турмуш тарзи, иқлими, касб-кори, ўзига хос ижтимоий-маданий муҳитда шаклланган тафаккури манбаларидан излайди.

Диссертациянинг “**Ўзбек рақс санъати терминлари шаклланишининг лисоний омиллари**” деб номланган тўртинчи бобида терминларнинг семантик таснифи ва соҳа терминосистемасидаги ўзига хос структураси, терминлар шаклланишининг ички ва ташқи манбалари ёритилган. Бобнинг биринчи бўлими “*Ўзбек миллий рақс санъати терминларининг лексик-семантик хусусиятлари*” деб номланган.

Ўзбек тили рақс атамаларини лексик - семантик жиҳатдан 3 гуруҳга ажратиш мумкин (бундай тасниф биринчи марта белгиланмоқда):

- 1) *рақс номлари - ономастик номлар;*
- 2) *рақс ҳаракатларини билдирувчи номлар;*
- 3) *рақс кийимлари, тақинчоқлар ва буюмлар номлари.*

Рақс номлари - ономастик номлар. Ўзбек рақс санъати терминологиясининг бир қисмини рақс номларини ифодаловчи атоқли отлар ташкил этади. Шундай экан, уларнинг лексик-семантик, морфологик ва услубий хусусиятларини ўрганиш талаб этилади.

Замонавий ономастикада янгидан-янги атамалар пайдо бўлмоқдаки, улар орасида маъно гуруҳларининг ички гуруҳларини ифодаловчи номлар ҳам мавжуд. Д.В.Майданюк, Л.А.Петрова, Д.Д.Дрошнев, Е.А.Бурмистроваларнинг ономастиканинг ички гуруҳлари хусусидаги фикрларига муносабат билдирган ҳолда, санъатнинг қайси турига мансуб бўлишидан қатъий назар (муסיқа, сурат, ашула, рақс ва ҳоказо) экспрессивлик тамойилига асосланганини ҳисобга олиб, уларга атаб қўйилган индивидуал номларни **артионим** атамаси остига бирлаштиришни маъқул деб ҳисобладик. Артионим атамаси нисбатан кейин пайдо бўлганлиги сабабли А.В.Суперанская, Э.Бегматов, Б.Йўлдошев ишларида учрамайди. Артионимларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг табиати билан белгиланади, чунки онимларнинг ҳар бирида лингвистик ва маданий (экстралингвистик) омиллар бирлашади. Ўзбек рақс номларини **идеонимлар** таркибидаги **артионимларнинг** бир тури сифатида тавсифлаш мумкин.

Рақс ҳаракатлари билан уларни номловчи терминлар маъноси ўртасидаги мутаносибликни англаш учун Хоразм рақс мактабига оид айрим атамаларнинг изоҳини келтирамыз.

³⁵ Гофуров Т. Ўтли, изтиробли дардларни ўз ичига олган "Тановар." <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list>

Гул барги. Қўллар кўксига яқин, кафтлар сал қимтилган. Бош бармоқ ёнрокда, кўрсаткич ва ўрта бармоқ тик ҳолатда, дасталар чалиштирилган.

Енг тортиш ҳаракати, одатда, бир жойда туриб ижро этилади. Гавда ва бош орқароққа ташланган, ўнг оёқ учида чапга бурилади. Ўнг қўл тирсаги букилган, дастаси бош баландлигидан юқорироқда, чап қўл ўнг қўлдастасига яқин. Қўллар курашга шайлангайдай, кафти билан силайди. Чап қўл ўнг қўл енгини тепароққа, ноз билан тортади.

Илон изи. Бу ҳаракат қизларга мансуб бўлиб, бир жойда айланиб ва ён билан юриб ижро этилади. Гавда аввал тик ҳолатда, сўнгра илонга ўхшаб биланглайди. Оёқ товонлари бир-бирларига жуфтлашган ҳолда, учлари сал кўтарилиб ўнгга сурилади. Ёки оёқ пошналари ердан сал кўтарилиб, ўнг томонга қўйилади.

Рақс кийимлари, тақинчоқлар ва буюмлар номларига оид атамалар таркибини турли жиҳатдан изоҳлаш мумкин:

- умумадабий ёки шевага хос сўз ва сўз бирикмалари:

а) *яктак, салла, бахмал этик, кўйлак, бўз, тиллақош, дўппи, хонатлас, беқасам, крепдешин, иштон, рўмол, адрас, кимхоб.*

б) *тақя, шавкала (тақинчоқ), кундал, осматузи, жиға, мукки.*

- ўз қатлам ва ўзлашма қатламга оид сўз ва сўз бирикмалари:

а) *кўйлак, бўз, тиллақош, дўппи, хонатлас, этик, адрас, кимхоб.*

б) *нозигардон, зебигардон, зафабанд, боло абру.*

Тўртинчи бобнинг “*Ўзбек рақс санъати терминологияси шаклланишининг ички ва ташқи манбалари*” номли иккинчи бўлимида ўзбек рақс терминологиясининг бойиш манбалари тадқиқ этилган. Хусусан, рақс терминлари шаклланишининг ички манбалари - маъно кўчиши, сўз ясалиши, сўз бирикмаси ва ташқи манбалар – ўзлашма сўзларнинг ўзига хос жиҳатлари таснифланган ва тавсифланган.

Икки тиллилик турли тилда сўзлашувчилар ўртасидаги ўзаро мулоқот жараёнида келиб чиқувчи *билингвизм* ҳодисаси асосида юзага келган рақс терминлари таҳлил қилинган. Билингвизм кенг маънода, бир жамиятда икки тиллиликнинг амал қилиши, тор маънода эса бир инсоннинг икки тилда мулоқот қила олиш қобилияти. Шунингдек, иккидан ортиқ тилларнинг қўлланиши ҳақида гап кетган вазиятларда “полилингвизм” (“кўп тиллилик”) атамаси ҳам қўлланилади. Туркий халқлар учун икки тиллилик уларнинг бутун тарихий тараққиёти давомида ва барча ҳудудларда тарқалиши доимийдир. Анча интенсив ифодаланган икки тиллиликнинг қадимий даврдаги кўринишлари *туркий – мўғул, туркий – фин-угор ва туркий – форс, туркий – араб* бўлиб, уларнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи хусусиятлар ҳозирги давргача сақланиб қолган.³⁶

³⁶Мажидова Р., Муҳитдинова Х., Султонова Ш. Тилшуносликка кириш. - Самарқанд, 2015. –Б.168

Марказий Осиёдаги бошқа кардош қўшни халқлардан фарқли ўлароқ, бошқа тиллар оиласига мансублиги вазидан ўзбек-тожик билингвизми элементлари яққолроқ кўзга ташланади. Республикамиз ҳудудида асрлардан бери ёнма-ён яшаб келаётган турли оилаларга мансуб ўзбек-тожик тилларининг ўзаро билингвизм алоқалари тарихи негизида ўрганиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқот олиб боришни талаб этади. “Бухоро рақсининг ўзига хослигини белгилайдиган алоҳида элементлар қаторида *саризону бози* (бирдан тиззалаб чўкка тушиш), *кажрафтор* (танани айлана шаклида айлантириш), *кафт ларзон* (ўтирган ва тик турган ҳолда оёқ бармоқлари билан танани силкитиш), *чархи миён* (ўртача айланиш), *чархи ду зону* (икки тиззалаб айланиш) каби атамалар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудий рақс мактабларида учрамайди”³⁷.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Бухоро рақс атамалари орасида форс-тожик тилига оид сўз ва бирикмалар салмоқли ўрин эгаллаган. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) тўлиқ ўзлашган тожикча атамалар: *зебигардон, нозигардон, гулруҳ, гардиш, мушак, чархи миён, чархи дузону, қомати зебо, мокки, ларзон* каби. 2) ярим калька асосида шаклланган атамалар: *чиройли пешонабанд, занг уриш, қўлибанд, занг садоси, кўнгил жилваси, ларзон йўрға* каби.

Умуман, ўзбек рақс санъати терминологиясининг шаклланишида ички ва ташқи манбалар муҳим ўрин тутаяди.

ХУЛОСА

1. Ҳар бир соҳа терминлари алоҳида-алоҳида тизимларни ташкил этади. Ўзбек тили соҳа терминларининг каттагина қисми ўрганилган. Бизнинг диққатимизни тортган соҳа терминлари ҳозирча махсус тадқиқ этилмаган. Соҳа терминлари микротизими бўлган рақс терминлари алоҳида тизимни ташкил этади. Уларнинг махсус тадқиқи муайян соҳанинг илмий муаммоларини ўрганиш билан уйғунликда олиб бориладиган фаолиятдир. Чунки терминнинг асл моҳиятини изоҳлаш учун тилшунос унинг мазкур соҳадаги ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганиши талаб этилади.

2. Ўзбек рақс санъати терминлари, асосан, умумистеъмол лексикадан ўзлашганлиги ушбу сўзларнинг маъно-моҳияти тушунарлилиги, ўзлари ифодалайдиган ҳодисалар ҳақида нафақат соҳа кишилари, балки умуман, муайян бир тил соҳиблари учун ҳам маълум даражада тушунча ва ахборот беришда қулайлиги билан характерланади.

3. Маълум бир соҳаларда қўлланадиган атоқли отлар қаторида “Тановар”, “Мавриги”, “Ашшадарози” каби рақс номлари ҳам махсус

³⁷Насибулина Л.И. Локальные школы национального танца Узбекистана// «Молодой учёный» .№ 23 (313). 2020. -С.687

изоҳ талаб қиладиган муайян тушунчаларни ифодаловчи тил бирликлари сифатида рақс санъати атамалари ҳисобланади.

4. Ҳар бир халқ ўз миллий рақс санъатига эга ва бу миллий рақслар бир-биридан фарқланади. Уларнинг ҳар бири ўз халқига хос миллийликни ифодалайди. Муайян халқ тилини билмаган шахс барибир, рақс тилини қалби билан тушунади ҳамда кўради.

5. Рақс либослари, тақинчоқ ва безаклар, ҳар бир элементар нуқта лингвокультурологик образлиликни тўлдиришга ёрдам беради. Рақс орқали ўзбек халқининг миллий-маданий олами чизгилари, миллий кадриятлари акс этади ва айнан мана шу жиҳати унинг терминологиясида ҳам ўз ифодасини топган.

6. Кундалик сўзларнинг хореография соҳасидаги ихтисослашуви асосида пайдо бўлган “бармоқ ўйин”, “барг тўкилиши”, “гардиш”, “гул барги”, “зарб”, “илон изи”, “лола”, “парвона”, “сув мавжи”, “тарози”, “хаёл”, “қайчи”, “қанотлар”, “гунча” каби тил бирликлари ўзбек рақс санъатига оид тушунчаларни ифодаловчи терминларнинг анчагина қисмини ташкил этади.

7. Манбаларда келтирилмаган терминларнинг илк бор тадқиқи ушбу соҳадаги атамалар захирасини кенгайтиради. Мана шу атамаларнинг мавжудлиги яна бир бор воҳалардаги рақслар фарқларини очиб беради.

8. Ўзбек халқи рақс санъатида “Кўза рақси”, “Қайроқ” “Чойнак ўйини”, “Пиёла ўйини” “Қошиқ ўйини”, “Пичоқ ўйини”, “Таёқ ўйини”, “Пилла”, “Лаган” каби предметли рақслар ҳам кенг таракқий этган бўлиб, улар миллийликни қабарик ҳолда намоён этувчи муҳим жиҳатларидан бири сифатида халқ кадриятлари, урф-одатлари, удумлари билан чамбарчас боғлиқ.

9. Социолект атамаси моҳиятан "ижтимоий лаҳжа" иборасининг бир сўзга қисқариши. Социолект - бу - миллий тилнинг маълум бир қуйи тизими ичида касбий, синф, ёш ва ҳоказо ижтимоий гуруҳга хос бўлган лингвистик хусусиятлар тўплами экан, рақс санъати профессионал нутқини социолект ва ушбу гуруҳ лексикасини социолектнинг таркибий элементлари сифатида талқин қилишга асос бўла олади.

10. Ўзбек миллий рақс санъатининг 5 та фарқли мактаби шакллланган. Булар **Фарғона-Тошкент, Хоразм, Бухоро-Самарқанд, Қорақалпоқ, Қашқадарё-Сурхондарё** рақс мактабларидир. Бу мактаблар бир-биридан ўзига хослиги, жозибадорлиги, элементлари, либослари ва ҳаракатларининг маҳаллий колорити билан фарқ қиладди.

11. Терминология нуқтаи назаридан республикамиз ҳудудида асрлардан бери ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек-тожик билингвизми негизида ўрганиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқот олиб боришни талаб этади. Бухоро рақс атамалари орасида форс-тожик тилига оид сўз ва бирикмалар тўлиқ ўзлашган (*мокки, ларзон, гулруҳ, гардиш, мушак, зебигардон, лаби гунча, чархи миён, чархи дузону, қомати зебо*) ва ярим калька асосида шакллланган атамалар (*занг уриш,*

қўлибанд, қоши камон чиройли пешонабанд, занг садоси, кўнгил жилваси, ларзон йўрға) мавжуд.

12. Фарғона-Тошкент, Бухоро-Самарқанд рақс мактабларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг назарий ва амалий масалалари, ўзига хос жиҳатлари ва ижро услублари ҳақидаги маълумотларнинг камлиги ушбу ҳудудий социолектга хос рақс атамаларининг социолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишда муаммо туғдиради. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

13. Муайян соҳа терминлари алоҳида тил тизими сифатида оддий тил ташувчилари учун тўлиқ англашилмаган, уни ўзлаштириш учун махсус тайёргарлик талаб қилувчи профессионал тил бирликлари сифатида фақат профессионал дискурсадагина ўз функционал вазифасини бажара олади.

14. Ўзбек тили рақс атамалари биринчи марта семантик - грамматик жиҳатдан уч гуруҳга ажратиб таснифланди ва тавсифланди:

- 1) *рақс номлари - ономастик номлар;*
- 2) *рақс ҳаракатларини билдирувчи номлар;*
- 3) *рақс кийимлари, тақинчоқлар ва буюмлар номлари;*

15. Ўзбек тилида идеонимлар рақс терминлари тизимида илк бор тадқиқ этилди ва қуйидагича таснифланди: 1) библионимлар; 2) артионимлар; 3) хрононимлар; 4) геортонимлар; 5) теонимлар; 6) мифонимлар. Табиийки, бу каби элементларнинг ҳар бир рақс мактаблари бобида ўрганиш кўпгина қизиқарли материаллар беради.

16. Рақс номлари ономастика объекти сифатида идеонимларнинг ички тизими бўлган артионимлар гуруҳига мансуб тил бирликлари сифатида белгиланди.

17. Ўзбек рақс терминологиясида *метафора, метонимия, синекдохага* оид кўчма маъноли сўзлар, *аффиксация* ва *композиция* усули билан ясалган терминлар нисбатан кам миқдорда, сўз бирикмалари эса, жумладан, форсча изофали сўз бирикмалари салмоқли қисмни ташкил этади.

18. Ўзбек рақс терминологиясида ўзлашма сўз ва бирикмалар бошқа соҳаларга оид терминосистемалардан фарқли ўлароқ, асосан, форс-тожикча атамалар нисбатан кўпроқ, араб тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган атамалар кам миқдорда мавжуд.

BUKHARA STATE UNIVERSITY
GRANT OF SCIENTIFIC DEGREES IN THE PRESENCE
DSc.03 / 04.06.2021.Phil.72.09NUMBER SCIENTIFIC COUNCIL
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

Khamrayeva Khulkar Khamidullayevna

RESEARCH OF UZBEK NATIONAL DANCE ART TERMS

10.00.01 – Uzbek language

Doctor of Philological Sciences (DSc) dissertation
AUTHOR'S ABSTRACT

Bukhara - 2021

The subject of the doctoral dissertation (DSc) is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2020.3.DSc / Fil236.

The doctoral dissertation was completed at the National University of Uzbekistan. The abstract of the dissertation is available in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the National University of Uzbekistan (www.uz) and on the information and educational portal “ZiyoNET” (www.ziynet.uz).

Scientific adviser:

Sayfullaeva Rano Raufovna
Doctor of Philological Sciences,
professor

Official opponents:

Saidov Yoqub Siddikovich
Doctor of Philological Sciences,
professor
Hudayberganova Durdonna Siddikovna
Doctor of Philological Sciences,
professor
Pardayev Azamat Bahronovich
Doctor of Philological Sciences,
professor


Leading organization:

Fergana state university

The defense of the dissertation will be held at the meeting of the Academic Council of Bukhara State University DSc.03 / 04.06.2021.Fil.72.09 “23 dekabr” 2021 at _____ (Address:

The dissertation is available at ... Information Resource Center of the State University (registered under number 1057). Address: street M. Ulabov

The abstract of the dissertation was distributed on “11 dekabr” 2021.
(Register Protocol No. _____ dated 20 _____ “ _____ ” _____)



D.S. O`rayeva

Chairman of the Scientific Council
for awarding scientific degrees,
Doctor of Philological Sciences (DSc),
professor

Sh.G` Davronova

Scientific Secretary of the Scientific Council for
awarding scientific degrees,
Doctor of Philological Sciences (DSc),
associate professor

G.N. Murodov

Chairman of the Scientific Seminar at the
Scientific Council for awarding scientific
Degrees, Doctor of Philological (DSc), professor

INTRODUCTION (Abstract of doctor (DSc) dissertation)

Relevance and necessity of the dissertation topic. In world linguistics, the tendency to study terminological units, which form a large part of the linguistic image of the world, expressing concepts related to specific specialitys and serving as a basis for communication between experts in this speciality, has advanced significantly since the early twentieth century. One of the most important and demanding issues of the social environment today is the study of the terminology of industries in a modern interpretation based on anthropocentric principles. The study of terminology is of national importance. Advanced terminological systems are one of the most important features of advanced literary languages.

Dealing with terminology in world linguistics is an activity carried out in conjunction with the study of scientific problems in a particular speciality. Because in order to interpret the essence of the term, a linguist is required to study its role and significance in this area. In today's global world, terminology serves as a source of information in the process of communication, the development of various specialties, the acceleration of scientific and technological progress. Although the theoretical and practical issues of the development of dance in world linguistics are partially covered to date, the issue of scientific and critical study of the terminological system of the industry at the level of modern requirements poses a number of important tasks for linguists.

In recent years, the study of industry terminology has also played an important role in enhancing the prestige and status of the Uzbek language in our country. As it is said: “Our young people should definitely try to learn another language, but first of all, they should respect their mother tongue. “Loyalty to one's language is a national affair.”³⁸ In this regard, the study of terms based on modern linguistics, as well as the study of formal, system-structural cognitive, lingvoculturological, sociolinguistic methods increases the theoretical and practical prestige of Uzbek terminology.

PF-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 “On the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan”, PF-5850 of October 21, 2019 “On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language” Decree №. PF-6084 of October 20, 2020 □On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in the country□, PQ-3775 of June 5, 2018 □On improving the quality of education in higher education institutions and their comprehensive implementation in the country.” Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan of January 29, 2020 “On additional measures to ensure active participation in reforms”, February 4, 2020 “On measures to radically improve the system of training highly qualified personnel in the speciality of

³⁸ <https://uza.uz> President Shavkat Mirziyoyev's speech at the solemn ceremony dedicated to the thirtieth anniversary of the official status of the Uzbek language // “O'zbekiston voice” newspaper. 21.10.2019.

dance and further development of scientific potential” № 40 under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan to some extent in the implementation of the tasks set out in the Resolution “On measures to organize the activities of the Terminology Commission□ and other regulations.

Correspondence of research to the priorities of the development of science and technology of the republic. The research of the dissertation was carried out in accordance with the priority direction of the development of science and technology of the republic I. “Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democracy.”

Review of foreign research on the topic of the dissertation.³⁹ Scientific research aimed at studying theoretical and practical issues of lexicography and terminology in world linguistics, in particular, the role, history, current status and stages of development of sectoral terms, sorting, unification, classification, codification, interpretation of speciality terms belonging to different systems, their functional, lexical-semantic features observations from the world’s leading research centers and higher education Institutions, including Boston University, Yale University, University of Chicago (USA); Oxford University, Cambridge University, University of East England (UK); Sorbonne University (France); University of Geneva (Switzerland); Humboldt University, University of Rochester (Germany); Hiroshima University (Japan); University of Utrecht (Netherlands); University of Belgrade (Serbia); Institute of Linguistic Research, Moscow State University (Russia); Azerbaijan State University of Languages (Azerbaijan), Kazakh National University (Kazakhstan); Khojand State University (Tajikistan); as well as at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Institute of Uzbek Language of Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan are conducted in(Uzbekistan).

The following scientific results were obtained from the study of the origin of speciality terminology in world linguistics, its relationship with linguistic and extralinguistic factors, the level of application of speciality terminology at the language level, the conceptual nature of linguocognitive and psychophysiological concepts of stages, development and dialectical interrelationships are studied (Oxford University, Yale University, USA; Sorbonne University, France; Cambridge University, England; Humboldt University, Germany; University of Geneva, Switzerland; Institute of Linguistic Research, Russia; Institute of Uzbek Language of Literature and

³⁹ Review of foreign research on the topic of the dissertation www.krugosvet.rut, www.philol.msu.ru/, <http://scottishdace.net/>; [http //: www. baletnoeiskusstvo.Ru](http://www.baletnoeiskusstvo.Ru); <http://www.moiseyev.ru>. [http //: www. moiseev.arts.ru](http://www.moiseev.arts.ru) .; [http //: www. narodntanec.ru](http://www.narodntanec.ru); <http://piruet.info>; <http://www.pseudology.org>; <http://www.slavlib.ru>; <http://www.sovetskyballet.ru>; <http://www.tvkultura.ru>; <http://www.vaganova.ru/> and other sources.

Folklore of the Academy of Sciences of Uzbekistan); the role of terminology as a source of information in the communication process, as a means of mastering various specialties, accelerating scientific and technological progress (Cambridge University, USA; University of East England, Institute of Linguistic Research, Moscow State University, Russia; Azerbaijan State University of Languages, Azerbaijan; Institute of Language, Literature and Folklore); (Sorbonne University, France; University of Chicago, USA; Humboldt University, Germany; Hiroshima University, Japan; University of Geneva, Switzerland; Alisher Navoi Tashkent State University of Uzbek Language and Literature) ; the psychophysiological features and cognitive aspects of the terms are substantiated (Boston University, USA); The terminological system of the speciality is studied in relation to other specialties (University of Belgrade, Serbia; Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan); based on the expression of speciality terminology in speech (Institute of Linguistic Research, Russia; Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan).

In world linguistics, a number of studies are conducted on the factors of the emergence of industry terminology, including in the following areas: identification of factors that give rise to industry terminology; disclosure of the principles of combining terminological elements; research of speech phenomena occurring on the basis of speciality terminology; research is being conducted in priority areas such as the study of the use and functions of terms occurring at all levels of the language system.

The degree to which the problem has been studied. Linguistic features of terminology in world linguistics, interrelation of terms and common words, homonymy of terms, semantic, affixation, composition and methods of formation of terms, place of assimilated words in the system of terms, monosemicity of terms, connection to a specific speciality system, conceptuality, limited scope of use, A number of issues, such as the characteristics of traditionalism and methodological neutrality, have been extensively studied, and a number of research studies have been conducted. In world and Russian linguistics V.deBesse, M.T.Cabre, M.Campenhout, L.Depecker, H.Felber, F.Gadet, D.Gouadec, L.Guilbert, J.Dubois, P.Lerat, S.Pavel, H.Picht, A.Rey, G.Rondeau, L.J.Rousseau, J.C.Sager, E.Wuster, D.S.Lotte V.V.Vinogradov, G.O.Vinokur, V.G.Gak, A.S.Gerd, S.V.Grinev, V.P.Danilenko, V.A.Zvegintsev, T.L.Kandelaki, L.A.Kapanadze, K.A.Levkovskaya, V.M.Leychik, A.I.Moiseev, S.E. Nikitina, V.D.Tabanakova, V.A.Tatarinova, A.M.Terpigorev, S.D.Shelov and others have made a significant contribution to the formation of terminology as a science. National schools - Austrian-German, French-Canadian, Russian, Czech directions are engaged in the development of theoretical problems of special vocabulary. An example of the activity of the “Russian Terminology

Society”,⁴⁰ which summarizes the scope and importance of research in the Russian language in world linguistics.

